



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 25 июнь, № 124 (5291)

Шанба

## БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



**Мустақил Ўзбекистон бугун навқирон йигирма ёштини нишонлаш арафасида. Тетаяпо бўлаётган болақайнинг қадамида, ўғил-қизларнинг олов қалбларида, эндигина меҳнат фаолиятини бошлаган ёш мутахассиснинг режаларида, муборак умрларининг саксон, тўқсон, юз йиллик довларини хуррам кўнгил билан нишонлашга тараддув кўраётган нуроний боболаримиз ва кайвони момоларимиз дилларида ана шу навқирон ёш шуқуҳю сурури мужассам.**

### ОСМОНИ МУСАФФО, ТУПРОФИ ОЛТИН

Шу мужассамлик, деҳқонман-да, ўз далаларим манзарасида, экинларнинг нафас олишида, тўлиб-тошган хирмонларимизга қараб одамларимизнинг завқланишларида кўргандай бўламан. Мухтарам Юртбошимиз айтганларидай, халқимизнинг хоши-иродаси, куч-қудрати, бунёдкорона меҳнати эвазига дунё харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, барқарор суруятлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон давлатининг қад ростлаб туриши ҳаммамизнинг тарихий галабамиздир. Бу галабага, оздир-кўндир, ўз ҳиссасини қўшган ҳар бир инсоннинг бугун фахрлишига

ҳақи бор. Дарҳақиқат, бизнинг авлодга Мустақилликни кўриш, уни ўз меҳнатимиз билан мустақамлаш, шарафлаш, ёт, беғона шамоллардан асраб-авайлаш бахти насиб этди. Шу хур Ватанда улғайдик, муродимизга етдик. Кимсан, Носирхон деҳқоннинг 14 ёшидан далага кетмон кўтариб чиққан қолхозчи ўғли эдим. Биз далага, дала бизга беғонадек эди. Меҳнатдан, ҳосилдан баҳрамандлик сезилмасди. Истиклол шарофати билан 1995 йили фермер хўжалигини ташкил қилдик. Мустақиллик бизга ер берди. Ерга тўлақонли эғалик ҳуқуқини берди. Мулк берди. Ҳазимизни ҳазимиз

бошқарадиган бўлдик. Ортиқча туртки, қистовлардан қутулдик. Меҳнатимизнинг роҳатидан баҳраманд бўла бордик. Хонадонларимиз галла кўрди. Рўзгорларимизга қутбарак инди. Одамларимиз боқимандалик кайфиятидан ҳалос бўлди. Ана шу барақадан қувват олиб, улар олдинги йилдагидан, кечагидан ҳам кўра бугун яхши ишлайдиган бўлдилар. Узоққа бормайлик: қуни кеча хўжалигимиздаги 107 гектарлик майдондаги бугдоя ўрилди. Ҳосилдорлик гектаридан 50 центнердан ошиб тушди. Шарнома режасидан ортиқ қолган 200 тоннадан зиёд донни хўжалигимиз ўзининг

ҳисобига қирим қилди. Бу ризқ-насиба — эл-улусники. Уни биз маҳалла-қўй билан, кам таъминланганлар билан, таълим-тарбия муассасалари билан баҳам кўраемиз.

103 гектар майдонда ғўза парваришлаймиз. Ундан ҳар йили 260 — 300 миллион сўм даромад оламиз. Шу даромад орқасидан 70 нафар ишчимизнинг рўзғори файзли-фаровон. Маҳаллани ободонлаштиришга, мактаб ўқувчиларини рағбатлантириб боришга, қишлоқ йўлларини таъмирлашга маблагимиз етарли. Қатрада кўёш кўринади, деганларидек, бизнинг шу Гулистон маҳалламизда бирор бир хонадон йўқки, енгил машинаси бўлмаса. Хонадон йўқки, ҳар кун тўю томошалар қилиб, фарзандларининг бахт-иқболини нишонламаётган бўлса. Хонадон йўқки, чорва боқиб, томорқасида ишлаб, дастурхонини тўлдириб қўймаётган бўлса. Шу тинч, осойишта, тупрофи олтин, осмони беғубор юртга қанча меҳнат қилсан, шунча оз. Қанчалик фахрлансанг, шунча кам туолаверасди.

**Исахон БАҲРОМОВ,**  
Ўзбекистон Қасрамони,  
Ангор туманидаги  
«Сид Носирхон»  
фермер хўжалиги раҳбари,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида ҳокимият тармоқларини такомиллаштириш, бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш бўйича кенг қўламли изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, давлат ҳокимияти органларининг тизими, ваколатлари ҳамда функциялари бугунги кунда ҳам модернизация ва ислох этиб боришмоқда.

### БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ

Бунда ушбу соҳадаги устувор йўналишлар, аввало, қонунларни ҳаётга изчил татбиқ этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга, сиёсий

рим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада янги босқични бошлаб берди, ислохотларни амалга оширишга қодир давлат органларининг вертикал ва горизонтал тизимини яратишга қаратилган бўлса, айни пайтда бошқарув соҳасининг марказлашуви

#### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини ривожлантириш, давлат органларининг иқтисодиётга аралашуви чеклашдан иборатдир. Яқинда қўлга кирган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ай-

дейишга тўлиқ асослар бор. Зеро, унда давлат ҳокимиятини ислох этиши янада чуқурлаштириш, парламент ваколатларини кенгайтириш, ижро ҳокимияти масъулиятини кучайтиришга доир нормалар ўз ифодасини топди. Эътиборли жиҳати, мазкур Қонун парламентнинг назорат функциясини янада мустаҳкамлади.

Маълумки, парламент назорати қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши даражасини ўрғаниш, уларнинг амалиётда қўлланилишига

(Давоми 2-бетда).

**Меҳнатни, тер тўкиб, ҳалол ишлашни ва шунга яраша ҳаёт кечиришни яхши кўрадиган халқимиз. Азал-азалдан шундай бўлганмиз. Аммо меҳнат қадрини, унинг рағбатини мустақиллик туфайли кўрдик. Илгари ишлардигу нафни бошқалар кўрарди, бола-чақамиз билан эртадан-кечгача далада ер чопардигу бироқ бундан қандай манфаат бор эди, ўзимиз ҳам билмасдик.**

### ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

Энди-чи? Президентимизга мингдан-миг раҳмат! Бугун биз ўз меҳнатимиз завқидан ўзимиз, Ўзбекистонимиз баҳраманд эканлигимиз бениҳоя фахрланамиз.

Кун кеча Президентимиз вилоятимизга — Қашқадарёга ташриф буюриб, қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари, фермерлар билан уч-

лиқчиликка иқтисослаштирилган. Ҳозир бу ерда 520 бошдан зиёд чорва моллари, 3 мингдан ошқ парранда парваришланапти. Бир гектар майдондаги сув ҳавзасида эса балиқ етиштиряпмиз. Эндиликда фақат маҳсулот етиштириш билан чегараланиб қолаётганимиз йўқ. Қишлоқ хўжалиги маҳ-

сулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиб, бошқарушида, ана шундай бахт бошимизда турганлигини яна бир бор ҳис этдим. У киши бизнинг фермер хўжалигимиз дала шийпониди ҳам бўлиб, самимий суҳбат чоғида нисбатан қуруқ келган бу йилги об-ҳаво шароитида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, илгор тажрибаларни қўллаш ва фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштириш бўйича қимматли маслаҳатлар бердилар. Айниқса, Юртбошимизнинг Қашқадарёдек бепоён, турли иқлим, турли тупроқ, турли табиатни ўзида мужассам этган бунақа ўлка дунёда йўқ, бундан ғурурланиш керак, бундан фахрланиш керак, деган сўзлари барчамизни тўлқинлантириб юборди.

Дарҳақиқат, вилоятимизда қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш имконияти ниҳоятда катта. Энг муҳими, бунинг учун етарли шарт-шароит яратиб берилган. Ундан оқилона фойдаланилаётгани боис қишлоқ жойларда ҳам замонавий санаят корхоналари ташкил этилиб, аҳоли турмуши тобора фаровонлашиб бораёпти. Бунга бизнинг «Бахт» фермер хўжалиги фаолияти яққол мисол бўла олади.

**Иброҳим ХОЛИЁРОВ,**  
Қарши туманидаги «Бахт» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари.

## ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯ САЛОҲИЯТИ



**Бугун юртдошларимиз тобора яқинлашиб келаятган энг улғу, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш тараддуғида. Барча соҳаларда қўлга киритилаётган муваффақиятлар эса ушбу қутлуг тўйга муносиб тўёна бўлаётир.**

#### Жараён

Жумладан, мамлакатимизда энергетика тизимига қаратилаётган эътибор туфайли сўнгги йилларда мазкур соҳада улкан ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Айтилик, Қорақалпоғистон Республикасида 2006 — 2010 йиллар давомида истеъмолчиларни электр энергияси билан кафолатли таъминлаш мақсадида

(Давоми 2-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 24 июнь кунини Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Германия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.

Унда Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, машинасозлик, озиқ-овқат, қишлоқ ва сув хўжалиги, юқори технологиялар ҳамда қурилиш, мебелсозлик каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

нани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида қайд этди.

Германия мамлакатимизнинг Европадаги муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан, Ўзбекистон иқтисодиётига фаол сармоя киритаётган давлатлардандир. ГФР сармоядорлари иштирокида юртимизда умумий қиймати бир миллиард евродан зиёд қўллаб сармоявий лойиҳалар амалга оширилган. Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар давлатлараро, ҳукуматлараро ва

(Давоми 2-бетда).

## ХИЗМАТ СИФАТИ ЮКСАЛМОҚДА

**Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган семинар ташкил этилди.**

#### Тадбир

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги томонидан уюштирилган мазкур та-

садди ташкилотлар ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда сўз олган Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги бошлиги ўринбосари Ш. Шоваҳобов

истиклол йилларида мамлакатимизда шаҳар йўловчи ташиш транспорти соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, йўловчи ташуви хусусий автокорхоналар фаолиятини кенгайтириш, мулкчилик шаклидан қатъи

(Давоми 2-бетда).

### МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

#### Ташаббус ва рағбат

**БУХОРО шаҳрида республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Қамолот» ЁИХ Марказий кенгаши, «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳамкорлигида ўтказилаётган «Менинг бизнес гоям» танловининг вилоят босқичи бўлди.**

Унда танловнинг қўйи босқичида голиб чиққан эллик нафар ёш тадбиркор ўзаро беллашди. Дастлаб улар учун семинар-тренинг ташкил этилиб, унда иштирокчилар ўз бизнес режалари тақдирини ўтказдилар.

Яқинда ҳақамлар ҳайъати Бухоро шаҳрилик Исломул Жўраев, Бухоро туманилик Умида Обидова, воқентлик Муҳаррам Иzzатуллаева, Зўра Исмолова, Шофиркон туманилик Замон Жўраев, гиждувонлик Шўхрат Аҳмедов, Пешку туманилик Нодирбеги Сирожиддинова, Ситора Чориева ва Интизор Жўраевани танлов голиби, деб топди. Энди улар танловнинг республика босқичида қатнашадилар.

**И. ИБРОҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

#### Кафолатли иш ўринлари

**ФАРҒОНА. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан Тошкент Ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида бўш иш ўринлари минтақавий ярмаркаси бўлиб ўтди.**

Унда Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият кўрсатаётган 30 дан ортиқ таълимчилар ва корхоналар иштирок этди. Тадбирга 500 нафардан зиёд коллеж битирувчилари таклиф қилинди. Яқинда уларнинг ярмидан кўпи шу ернинг ўзидеёқ соҳа жамоалари билан меҳнат шартномалари имзоладилар.

**Н. СОБИРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

#### Сурхон ипагининг шуҳрати

**СУРХОНДАРЁ. «Сурхон-Термиз Силк» корхонасида атлас, адрас матоларини тўқиш, ипак гиламлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

Натижада маҳсулот тайёрлаш ҳажми ўсиши билан бир қаторда, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 400 нафарга етди. Корхонада хориж технологияси ёрдамида вилоятда етиштирилаётган пилладом ашёсини тўлиқ қайта ишлашга эришилди. Жумладан, «Сурхон-Термиз Силк» жамоасида биргина ўтган йилда 3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Унинг асосий қисми АҚШ, Италия ва Эрон каби ўнга яқин мамлакатларга экспорт қилинди.

**О. УСАНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми. Боши 1-бетда).

салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш, мавжуд камчиликларни бартафари этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, шунингдек, тегишли қонунларга назорат-таҳлил натижаларига асосан ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда қўл келадди. Айни пайтда у давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатлари қоида-таалабларига сўзсиз риоя этиш масъули-

нинг биринчи чорагида профицит билан ижро этилганлиги алоҳида таъкидланди. Депутатлар айни чоғда бюджет ижросида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартафари этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Шу ўринда мамлакатимизда бюджет ижроси назорати бир неча усуллар ёрдамида амалга ошириладигани таъкидлаш жоиз. Биринчидан, қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ёнини чуқур ва пухта ўрганиш, уларни бозор ислохотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодийни эркинлаштириш борасида ўтказилаётган сиёсатнинг гоёт муҳими устувор йўналишларига, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш соҳасида қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларга тўла-тўқис мос келиши нуктаи назардан танқидий баҳолаш ҳамда республика даражасида ҳам, маҳаллий даражада ҳам давлат бюджетининг ижроси ва

(Давоми. Боши 1-бетда).

тижасида 138,2 километрлик турли кучланилиши ҳаво линиялари қурилиб, 70 дан ортиқ трансформатор пунктлари ўрнатилди. Электр энергиясидан фойдаланишни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, мутахассисларнинг изланишлари натижасида “Тахитасис” иссиқлик электр станцияси”ни сув билан таъминлаш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, 10 минг 444,9 километрлик ҳаво линиялари ҳамда 1934 та трансформатор пунктнинг таъмирлангани, сарф этилган электр энергияси ҳисобини назорат қилувчи ускуналарнинг замонавийсига алмаштирилгани Оролбўйидаги 199 минг 820 та истеъмолчига узлуксиз равишда электр токи етказиб беришда қўл келмоқда.

Айтиш жоизки, бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ўтган беш ой мобайнида 17,4 километр масофага ҳаво линиялари тортилгани ва 10 та трансформатор янгидан ўрнатилгани, умуман, барча тадбирларга 2 миллиард 600 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани ана шундан далолат беради.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**  
**СУРАТЛАРДА:** “Қорақалпоқэлектрармоқлари” очик акциядорлик жамиятининг Амударё тумани филиали фаолиятдан лавҳалар.  
**Шомурот ШАРАПОВ**  
олган суратлар.



# БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ

ятини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Парламент назоратини амалга оширишнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, кўмиталар ушбу ваколатдан самарали фойдаланиб келмоқда. Бу, айниқса, мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати, яъни Давлат бюджетни ижросини назорат қилишда ўз ақсини топаётди.

Бугунги кунда Олий Мажлис палаталари, кўмиталари давлат бюджетни ижросининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш, фазна интизомини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келаяпти. Хусусан, аяқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида Давлат бюджетининг 2010 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги бўйича ижроси атрофида муҳокама этилди. Унда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни илгариги Олий Мажлис томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилганлиги таъкидланди. Бюджет жараёнида асосий эътибор Президент Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим устуворликларини амалга оширишга қаратилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ишлари, чакана товар айланмаси ва хизматлар кўрсатишнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати 2011 йил-

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси ҳисобот йилидан кейинги йилнинг ўн бешинчи майдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Иккинчидан, парламент палаталари Конституцияга биноан, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқади. Маълумки, “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига у таъқиқ аудит ва баҳолаш ўтказиши учун ҳисобот йилдан кейинги йилнинг бешинчи апрелига юборади. Хукумат, ўз навбатида, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан бирга, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади. Бугунги кунда парламент палаталари мана шу ваколатдан ҳам самарали фойдаланиб келмоқда. Зеро, Ҳисоб палатасининг Давлат бюджетни молиявий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрларини шакллантириш жара-

давлат маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил қилиш ва таъминлаш, давлат харажатларини камайтириш резервларини аниқлаш, марказда ва жойларда бюджет маблағларидан қўниқни, мақсадли ва самарали фойдаланилишини, улардан фойдаланишда қўнубузариликлар ҳамда суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш чораларини амалга ошириш каби муҳим вазифаларни амалга оширади. Шу маънода, бу борадаги парламент назоратининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлисига бюджет ижроси бўйича парламент назоратини амалга оширишда яна бир қатор имкониятларни яратди. Чунончи, Конституциянинг 80-моддаси 6-банди ва 93-моддасининг 12-бандига киритилган ўзгартишларга Ҳисоб палатаси Раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги Президент фармонларининг Сенат томонидан тасдиқлангани ҳақидаги қоида мустаҳкамланди. Бу, табиийки, Сенатнинг мутлақ ваколатларини янада кенгайтириб, парламентнинг назорат ваколатлари механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нафақат мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим ислохотларнинг янги босқичини бошлаб беради, балки юртимиз иқтисодий юксалишининг янада мустаҳкамланишида ҳам долзарб аҳамият касб этади.

**Одилжон АШИРОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Муҳташам, қулай, намунали

Навоий шаҳрида муҳташам савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бунинг учун тадбиркор Лутфулла Кўжаев 400 миллион сўмлик банк кредитидан самарали фойдаланди.

Ўндан ортиқ янги иш ўринлари яратилган ушбу мажмуада харидорларга барча қулайликлар яратилган. Замонавий иситиш ва совитиш жиҳозлари ўрнатилган.

Шунингдек, мажмуада бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам ишлаб турибди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАНЛАР

Халқимизда кўр ҳассасини бир маротаба йўқотди, деган мақол бор. Баъзида қўл, баъзида билмай жиноят қўчасига қадам қўйган киши йўл қўйган хатосини иккинчи маротаба такрорламасликка, ундан тўғри хулоса чиқаришга интилади. Аммо инсоннинг қалб кўзи қў бўлса, бу тоғфали кишилар “ҳассасини қайта-қайта йўқотаверар” экан.

Тошкент вилоятининг Бекобод туманида яшовчи, уч фарзанднинг отаси М. Саримсоқов икки марта ўғирлик жиноятини содир этиб, қамалди. Икки бора ҳам у тайинланган жазоларни тўлиқ ўтамай, амнистия тўғрисида жазодан озод этилди. Аммо М. Саримсоқов бу мурувватга, инсонийлик, бағри-кенглик тўғрисида юзаси қаради. Кемтик оиласи, номусдан юзи шувут бўлган фарзандлари тақдир ва ҳаёти уни заррача бўлса-да, ташвишга солмади. Тайинли бир ишининг бошини ҳам тутмади. Осонгина пул топшиш йўллариини излай бошлади. Маҳалласи чегара ҳудудда жойлашгани сабабли, қўшни республикадан бир-икки таниш ҳам орттирди. Ўзини “Бобо” деб таништирган шахс билан учрашган, унинг фикру хаёли ўзгарди. Негаки, таниши унга гиёвандлик моддасини Россиянинг Новосибирск шаҳрига етказиб берса, хизмати учун яхшигина ҳақ тўлашни ваъда қилган эди. Хуллас, “заҳри қотил” эгаси “юк”нинг ҳар бир килограмми учун уч минг АҚШ доллари берадиган бўлди. Эртаси кунни ярим тунда “Бобо” бир ярым килограмм героин моддаси ва қора кепка, бунақ тарикасида 700 АҚШ долларини М. Саримсо-

қовнинг қўлига тутқазди. “Новосибирск аэропортида сени мана шу бош кийимдан таниб олишадди”, деди у. Оғуни манзилга қай тарзда олиб боришни ўйлаган М. Саримсоқов хонадонга келган, “юк”ни кўздан кечиради. Оғу ичга ютиб олиб ўтиш учун мўлжалланган, катталиги ёнғоқдек келадиган ва яна янгиликлар тилида “шпонка” деб аталадиган 493 дона ўрмада эди. Бунча оғуни бир ўзи олиб ўтишга кўзи етмаган оғуфурushi ўзига шерик қидира бошлади. Икки кундан сўнг қўшни маҳаллада яшовчи А. Мирзаев уни йўқлаб келганда, кўнгли равшан тортган-дек бўлди. М. Саримсоқов у билан қамоқда танишган эди. А. Мирзаев ҳам ўғирлик, гиёвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сақлагани учун уч маротаба судланган, икки маротаба жазони тўлиқ ўтамай, амнистия билан озод этилган эди. “Сенга яхши бир иш бор, — деди М. Саримсоқов танишини хонадонига тақдир қилар экан. — Агар Новосибирскка бориб келсан, анчагина пул ишлаб оласан”. А. Мирзаев нима ишлиги билан қизикқанда, ўртоғи мақсадни тушунтирди. Аммо Мирзаев учун ҳам буларни ичга ютиш оғирлик қилар-

ди. Шу топда икки дўстнинг хаёлига жазони ижро этиш масъасида танишган яна бир беккободлик улфатлари — О. Тожикулов келди. Тезда уни ҳам чақирди. О. Тожикулов жазодан озод этилган, Бекобод шаҳридаги “Ўзметкомбинат”га ишга кирган эди. Қоронғида топишган уч оғуфурushiини келишувига кўра, Новосибирскка А. Мирзаев билан О. Тожикулов борадиган бўлди. М. Саримсоқов эса уларнинг йўлқираси учун иккита авиачипта

**26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланмоғига қарши кураш кун**

сотиб олиб келди. Хизмат ҳақлари буюртмани бажариб келган тўланадиган бўлди. Тавбасига таянмаган бу уч ҳамтовқонинг жиноятига Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари чек қўйди. Сафар олдидан оғуфурushiлар “заҳри қотил”ни ичларига ютишга тарадуд кўраётган маҳали ашёвий далиллар билан қўлга тушдилар. 493 ўрмадаги, умумий оғирлиги бир килограмм уч гуз рамнини ташкил этган героин гиёвандлик моддаси ва Новосибирскка олинган авиачипталар жиноят ишининг ашёвий далили сифатида жиноят ишига бириктирилди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоти суди оғуфурushiларнинг ишини кўриб чиқиб,

дов вақта кеч англаб етди. Аммо вақтни ортга қайтариб бўлмайди. Янгиер шаҳрида яшовчи О. Рашидов кейинги вақтларда вилоятнинг Тожикистон билан чегарадош Ховос туманига тез-тез қайтиб келиб қолди. Бунинг сабаби эса... у тожикистонлик оғуфурushiларнинг тузоғига тушиб қолган эди. Ҳеч бир ишининг бошини тутмай юрган Ойбекка ўша томонлик “Саша” деган йилгит бир килограмм героин моддасини Тошкент шаҳрига етказиб беришни тақдир қилганда, у аввалгига иккидан, хизмати эвазига 300 АҚШ доллари тутқазганда эса, Ойбек топшириқни бажарди — оғуни Тошкент шаҳрига олиб келди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, ҳамтовгои уни яна ярим тунда учрашувга қақир-

ди. Бу сафар ҳам унинг қўлига бир килограмм “заҳри қотил”ни ва хизмат хақи — 200 АҚШ долларини тутқазди. Ойбек “юк”ни яширишга яна пойтахтга олиб келиб, тожикистонлик оғуфурushiини шеригига бириктирди. Ҳаром лўқма О. Рашидовни жиноят қўчасига янама ичкариллаб олиб кетди. О. Рашидов қўшни давлат оғуфурushi билан уни маротаба учрашиб, уч килограмм героин моддасини белгиланган манзилга етказиб беради. Халқимизда кўза кунда эмас, кунда синди, деган мақол бежиз айтилмаган. 2010 йилнинг 20 ноябрь кунини пойтхат томон елдек учиб келаётган “Нексия” автомашинаси “Эркин” йўл-патруль хизмати масканига тўхтатилганда, автомашина на ҳайдовчиси О. Рашидов қочиб-қараниди. Машина текириқдан ўтказилганда, олд ўриндик остидан 6 килограмм героин гиёвандлик воситаси ҳамда 300 АҚШ доллари топилди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Бектемир тумани суди томонидан О. Рашидов 17 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

## ОГУФУРУШ «МЕХМОН»

Уйимизга меҳмон келса, уни ўтказгани ҳой тоғломаймиз. Аммо меҳмон ёмон ниятда қадам қўйса-чи, у ўзи билан ажал уруғини орқалаб келган бўлса-чи? Бундай меҳмонни ким деб аташ мумкин? Тожикистондан остона ҳатлаб эмас, аксиндан, “девор ошган” Рофе Зарипов мамлакатимизга

## ХИЗМАТ СИФАТИ ЮКСАЛМОҚДА

баробарида, йўловчилар учун ҳам қўлпаб қулайликлар яратишни назарда тутди. Хусусан, қарордан келиб чиқиб, “Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйлади-бор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги “Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шу мақсадда қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжат мазкур соҳада фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар олдидаги масъулиятни ошириш

баробарида, йўловчилар учун ҳам қўлпаб қулайликлар яратишни назарда тутди. Хусусан, қарордан келиб чиқиб, “Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйлади-бор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги “Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шу мақсадда қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжат мазкур соҳада фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар олдидаги масъулиятни ошириш

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Юртимизда мустақиллик йилларида қонун ижодкорлиги тизими изчил ислохот этилиб, бугунги кунда икки палатали парламент умумэтироф этилган демократик тамойиллар ҳамда миллий давлатчилик тажрибамиз асосида ривожлантириб борилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаровонликни юксалтиришга хизмат қилувчи қонун ижодкорлигини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бир қатор тақлифлар илгари сурилди.

Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган илмий-амалий семинарда шулар ҳақида сўз борди. Мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган тадбирда қўниқ палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идора ходимлари, мутахассислар ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Таъкидланганидек, истиқлол йилларида республикаимизда қонун ижодкорлиги соҳасида туш ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. 2005 йилдан эътиборан икки палатали парламентнинг

янада самарали механизмларни яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини талаб этмоқда.

Семинарда сўзга чиққанлар “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги тахрирда ишлаб чиқишнинг аҳамиятига алоҳида урғу бердилар. Яъни шу орқали мамлакатимизда қонунчиликни тўлиқ таъминлаш мақсадида янги ва янада самарали механизмлар яратилиб, қабул қилинаётган қонун лойиҳаларининг сифати тубдан яхшиланади. Қолаверса, мазкур лойиҳа қонунларда тафовутлар, такрорийликка йўл қўймаслик, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш хаталарини камайтириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда самарали таътиқ этилиши ва унинг мавжуд қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда муҳокама этилган масала бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Санджон МАХСУМОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда германиялик сармоядорлар иштирокида тузилган 116 та қўшма корхона, Германия фирми ва компанияларининг 50 та ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, тиббиёт ва фармацевтика, илмий тадқиқотлар, савдо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, юк ва йўловчи ташиш ҳамда автомобиль хизмати каби соҳаларда иш юритади.

## ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодийнинг турли тармоқларида немис банклари иштирокида йirik сармоявий лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Икки давлат олий таълим муассасалари ва илмий таълим институтлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилган. Улар доирасида саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, табиий захиралардан оқилонга фойдаланишнинг замонавий йўналишларида биргаллик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Германия Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори, — деди Германия Қўни Саксония федерал ерининг иқтисодий, меҳнат ва транспорт вазири Йорг Боде. — Ўзбекистон билан бошқа соҳалар қатори автомобилсозлик саноатида ҳам ўзаро ҳамкорлик янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ниятидамиз. Мазкур бизнес-форум юртингиз ишбилармонлари билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун қўли имкониятдир. Бизнес-форумда Германиянинг турли етказки фирми ва компанияларидан қўлпаб вакиллар иштирок этганининг ўзи германиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қизқишчи тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Анжуманда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, биргаллик икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ўзаро товар айир-қошлаш ҳажминини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида қўри технология қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон компания ва корхоналари ҳамда Германия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржаси ўтказилди.

**Ўзбекистон Республикаси МХХ Матбуот хизмати.**

**Мадина УМАРОВА,**  
**ЎЗА мухбири.**







